

634.2
Д-46



ФАН ҲАКИДА СУҶБАТЛАР

А. ДИЛЕВСКИЙ

К

Бр. 24924/1

ҚИЗИЛ ЎСИМЛИГИ

№ 31

А. ДИЛЕВСКИЙ

634.2
Д-46

ҚИЗИЛ
ЎСИМЛИГИ

ҚИЗИЛ
Осн. Сл.
Др. Санаи



«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ
Тошкент — 1974

Дилевский А

Қизил ўсимлиги. Т., «Ўзбекистон» 1974.
22 б., расм.

Автор илмий текширишлар асосида республикамызда жуда кам учрайдиган қизилнинг турли хил нав ва формаларини ҳамда қимматли ҳисобланган мазкур ўсимликни маданий ҳолда ўстириш агротехикасини баён қилган. Қизил меvasини териш, жойлаш, ташиш ҳамда унинг касалликлари ва зараркундаларига қарши кураш бўйича тавсиялар берган.

Китобча қишлоқ хўжалик ходимлари, шунингдек кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Дылевский А. Растение кизил.

581.4

2 1005 113
Д М351 [06] 74 19—74

© «Ўзбекистон» нашриёти, 1974 й.

Қизил қадимдан экилиб келинаётган ўсимлик бўлганлигига ва Кавказ, Қрим ўрмонларида кенг тарқалганлигига қарамай, Ўзбекистонда кам маълум. Чунки, қизил Урта Осиё тоғларида учрамайди.


Республикамизнинг паст текисликлари ва тоғларининг табиий шаронти қизилни ҳам озиқ-овқат, ҳам манзарали ўсимлик сифатида етиштириш учун қулай ҳисобланади.

Қизил мевалари янгилигида истеъмол қилинади ва айниқса, консерва ва қандолатчилик саноатида мураббо, компот, шарбат, қиём, мармелад ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш учун ишлатилади.

Қизил ҳар қандай ерда ўса оладиган, илдиз системаси бақувват, қурғоқчиликка ва совуққа анча чидамли, яхши ҳосил берадиган ўсимликдир.

Қизилдан боғларни, хиёбонларни, йўл ёқаларини, тоғ ёнбағирларини кўкаламзорлаштиришда манзарали ўсимлик сифатида, тупроқнинг мелниоратив ҳолатини яхшилаш ва ихота қилиш ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Селекциячилик ва нав етиштиришдаги ютуқлар ва аҳоли ҳамда



Қизилнинг гуллаган шохлари.

халқ хўжалигининг истеъмол маҳсулотларга бўлган талабининг оша бориши қизил ўсимлигининг яқин келажакда Ўзбекистон боғдорчилигида ўз муносиб ўрнини топишидан далолат беради.

ҚИЗИЛ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Қизил — мевали ва манзарали ўсимлик сифатида кўпайтирилади. Кавказ, Қрим, Молдавия, Украина, Марказий ва Жанубий Европа, Кичик Осиё ерларида ёввойи ҳолда ўсиб ётади.

Қизил Европанинг кўпгина мамлакатларида шу жумладан Совет Иттифоқида экилади. Қрим, Кавказ, Украина ва Молдавиянинг ҳамма ерида учрайди.

Ўзбекистонда умуман, Ўрта Осиёда мевали ўсимлик сифатида водийларнинг нам тупроқли ерларида ҳам, тоғларнинг денгиз сатҳидан 1500м баландгача бўлган тошли, қуруқ ёнбағирларида ҳам ўсади. Қизил тоғ олди ва тоғли районларда тоғолча, пиндик каби мевали дарахтлар қатори кенг тарқалган. Баъзи бир ерларда қизилзорлар мевали боғларнинг 15 процентини эгаллайди. Закавказье, Озарбайжон, Арманистон ва Грузияда қизилдан териб олинган умумий ҳосил айрим йиллари 25000 тоннагача боради. Айниқса, ҳосил мўл бўлган йилларда қизилдан ўртача ҳосилдорлик йилларидагига қараганда 3 — 4 ва ҳатто, 5 — 6 марта ортиқ ҳосил олиш мумкин.

ҚИЗИЛ ТЎҒРИСИДА БОТАНИК МАЪЛУМОТЛАР

Қизил (*Cornus mascula*) қизилдошлар (қизилгул-лилар онласи)га мансуб ўсимлик бўлиб, ер юзиде 50 гача, жумладан, СССРда 10.га яқин тури учрайди.

Қизилнинг бир тури, яъни асл қизил ёки оддий дерн экилиб, у ўсиб, бўйи баъзан 5 метрга етадиган кичик дарахт ёки катта бута бўлади. Секин ўсади, узоқ яшайди. Қари дарахтлар танасининг йўғонлиги баъзан 25—30 сантиметрга етади. Ёғочи оғир ва пишиқ. Унинг солиштира оғирлиги 0,97. Кўп навларининг шохи тик ўсади, пўстлоғи қизил бўлади. Барглари тухумсимон, учли бўлиб, калта гулбандда жойлашади.

Гуллари майда, оч сарғиш, тўпгул ҳосил қилади. Икки жинсли. Март ойида гуллайди. Сербарг.

Меваси данакли, анча йирик, данаги чўзинчоқ, узунлиги кўпинча 3,5 см гача, эни 2 см гача этади. Мевасининг ўртача оғирлиги 1,2—2,4 г. Мевасининг шакли жуда хилма-хил: овалсимон, шарсимон, ноксимон ва бошқача кўринишда бўлиши мумкин. Ранги ҳам ҳар хил: сариқ, тўқ сариқ, кўкиш, қизғиш, қизил, хира қизил ва деярли қора тусда. Данаги чўзинчоқ мева оғирлигининг 15—25 процентини ташкил этади ва этидан ёмон ажралади. Эти сувли, пишмаганида нордон, ёпишқоқ, тахир ва пишганидан кейин ўткир ҳидли нордон-ширин бўлади.

Мева етилгач, кислоталилиги ва таҳирлиги камаёйди ҳамда ширинлиги ортади. Агарда қизил меваси музлатилиб, сўнгра эритилса, тахирлиги камайиб, ширинроқ бўлади.

ҚИЗИЛНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТИ

Қизил жуда эрта гуллайди. Баҳор иссиқ келганда февраль охири мартнинг бошида гуллай бошлайди ва гуллаши бир ойча давом этади. Қизилнинг гуллаш муддати ҳарорат ва у экиладиган районлар шароитига боғлиқ ҳолда бир мунча ўзгаради. Қизилнинг гул ва тугунчалари эрта баҳорги совуқларга чидамли.

Қизил илдизи энига қараганда чуқурликка анча кириб боради. Данагидан унган қизил жуда кўп патак илдиз чиқаради. Шунинг учун табиий ҳолда тарқалган қизил кўпинча бута ҳолида учрайди.

Қизил тупроқ танламайди. У табиий тарқалганда нам тупроқли ерларда ва тоғ ёнбағирларида бир хилда яхши, экилганда эса турли хил тупроқда ҳар хил ўсади. Масалан, Тошкент область, Янгийўл районидаги саз тупроқли ерларда ўсган қизилнинг бўйи 34 йилда 5,5 метрга етган.

Фарғонанинг шағалли тупроғида ўсган қизилнинг бўйи эса тахминан худди ўша ёшда пастроқ бўлган. Шунга ўхшаш ҳолатни унинг ҳосилдорлигида ҳам кузатиш мумкин. Қизил учун оҳакли тупроқ яхши ҳисобланади, лекин бизнинг шароитимизда яхши ҳайдалган соф бўз тупроқда яхши ўсади ва мева беради. Шўр ва ботқоқлик ерларда ўсмайди.

Қизил бошқа данакли ўсимликларга қараганда намга унча эҳтиёж сезмайди, бироқ иссиқ кузда ортиқча суғориб юборилса, у гулга киради, бу эса кейинги йил ҳосилига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қизил ёруғсевар мевали ўсимлик ва сояга мутлақо чидамсиз. Масалан, бизнинг кузатишимиз бўйича, Андижон областидаги, Киров номи совхозда катта дарахтлар орасида қуюқ бўлиб ўсган қизил, деярли ҳосил бермади. Бу ҳолатни табиий ҳолда тарқалган қизил ўсимлигида ҳам кўриш мумкин. У ҳамма вақт бир мунча очиқ ерларда ўсади.

Қизил ўғитларга нисбатан жуда сезгир. Қизилнинг яхши ва тез ўсиши учун органик ўғит солиш фойдалидир. Ўғит мева тугишни ҳам тезлаштиради.

Қизил меваси турли муддатларда пишади. Эрта пишар навлар июлнинг учинчи декадасида, кечкилари эса октябрнинг иккинчи ва учинчи декадасида пишади. Қизил меваларининг етилиш даври нав чегарасида анча вақтга чўзилади. Масалан, баъзибир форма ва навларда мева 25—30 кунда пишади. Биз яратган қизил формасининг мевасини унинг етилишига қараб 20 июлдан 20 октябргача териб олиш мумкин.

Қизил экилганидан кейин тўртинчи-бешинчи йили ҳосилга киради. Деярли ҳар йили ҳосил беради. Табиий тарқалган қизил ҳосили унча юқори бўлмайди. Ҳар бир тупдан ўртача 3—5 кг дан тортиб яхши ўсган тупдан 50—60 кг гача ҳосил олинади. Уруғидан кўпаяди. Уруғ ердан бешинчи-олтинчи йили униб чиқади. Бундан ташқари, қаламчадан ҳам, илдизнинг бир қисмидан ҳам кўпайтиради. Қизил 250—300 йил ўсиши мумкин.

• ҚИЗИЛНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Қизилнинг ёғочи, барги ва мевалари халқ хўжалигида қимматли хом ашё ҳисобланади. Ёғочи анча қаттиқ ва эгилувчан, яхши аррланади, ишлов бериш осон ва қимматбаҳо ҳисобланади. Ҳозирги вақтда қизил ёғочи токарлик ва дурадгорликда фойдаланилади. Бундан ташқари, қизил ёғочидан флейта, кларнет ва бошқа музика асбоблари тайёрланади.

Қизилнинг пўстлоғи, шохлари ва баргларида бўёқ ва ошловчи моддалар бор, улар териларни ошлаш учун фойдаланиб, унга сарғиш тус беради. Қизилнинг бута туридан ўрмон-мелиоратив мақсадларда унинг тупроқ ва намга бўлган ноталабчанлигини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш мумкин. Қизил жуда ширали ўсимликдир.

Қизил меваси қайта ишловчи саноат учун қимматбаҳо хом ашёдир. Нордонлиги, ҳиди ва таъми қандолатчилик саноатида энг қимматли хусусият ҳисобланади. Қизил меваси таркибида витаминлар бор, шунинг учун уни қайта ишламасдан ҳам истеъмол қилавериш мумкин.

Кавказда маҳаллий аҳоли қизил мевасини янгиллигида ва қуритилган ҳолда истеъмол қилади. Қизилдан ўрик ва тоғолча каби кўп миқдорда лаваш тайёрланади.

Қизил мевасидан қайта ишлаб чиқарувчи саноатда мураббо, қиём, пюре, пастила, кисель, компот, лаваш, шарбат, концентрат ва бошқалар тайёрланади. Қизил меваларидан наливка тайёрланиб бу наливка эса кам нордон олма ва ноклардан тайёрланадиган компотларга солинади.

Қуритилган қизил мевалари ошқозон касалликларини даволашда ишлатилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИЗИЛ ЎСИМЛИГИ

Қизил Ўзбекистонда жуда кам тарқалган. Умуман бу ўсимлик жумладан, Ўзбекистон шароитида яхши ўрганилмаган.

Қизил навларининг чекланганлиги ва экиладиган навли материалларнинг йўқлиги ҳам унинг кенг тарқалмаслигига сабабчидир. Ўзбекистон шароити қизил ўсимлигининг кенг тарқалишига етарли қулай бўлса ҳам юқоридаги сабаблар мазкур ўсимликнинг қупайишига тўсқинлик қилган.

Қизил ўсимлигини фақат айрим ҳаваскор боғбонларгина кўпайтириб келади, шунинг учун қизил уларга анчадан бери маълум. Шу сабабли мазкур ўсимликни мутлақо янги ўсимлик деб бўлмайди.

Биз қизил ўсимлигини ва у экилган ерларини ўрганиш мақсадида, республикамизнинг турли областларида бўлиб, ҳаваскор боғбонларнинг боғларида, шаҳар паркларида, совхозларда бу ўсимликнинг дарахт ёки бута кўринишидаги айрим тупларини ва сийрак бўлса-да кичик қизилзорларни топдик.

Республикамизда энг йирик қизилзорлардан бири Тошкент область, Калинин районидаги ҳаваскор боғбон Ш. Шоабдурахимов боғида бўлиб, бу ерда 312 туп қизил ўстирилар экан. Иккинчи энг йирик қизилзор (2000 тупча) Р. Р. Шредер номидаги Ленин ордени

боғдорчилик, тоқчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида мавжуд. Бундан ташқари, Тошкент область Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли совхозда, Андижон областидаги Киров номли совхозда, Тошкент область «15-Қибрай» совхозида, Самарқанддаги Мичурин номли Қишлоқ хўжалиги техникуми боғида ва бошқа ерларда кичик-кичик қизилзорларни учратиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган ерларда учраган қизил ўсимлиги бошқа мевали дарахтлар орасида ўсаётти, бу эса кўпчилик ҳолларда мазкур ўсимлиkning ўсиши ва ҳосилига анча салбий таъсир этади.

ҚИЗИЛНИНГ НАВЛАРИ

Экилаётган қизил ўсимлиги орасида қуйидаги навлар энг кўп тарқалган.

Йирик мевали лола ранг қизил. Меваси йирик, овалсимон хира-қизил рангда, этли, ҳосилдор. Тупроққа унча талабчан эмас. Жанубий ва ўрта районларда экиш учун яроқли.

Йирик мевали сарғиш қизил. Катта-кичиклиги ва шакли юқоридаги навга ўхшаш, лекин мевалари қорамтир-зарғалдоқ тусда.

Йирик мевали боғ қизили. Мевалари йирик, чўзинчоқ, этли, данаги йирик. Эти қизғиш тусда. Мазкур нав тупроққа нисбатан бир мунча талабчан, яхши ўсади ва тупроқда оҳак етарли бўлганда мўл ҳосил беради. Бир мунча соя-салқин ерларда яхши ўсади.

Султон номли қизил. Мевалари майда, қип-қизил, ширин. Тупроққа ва экиладиган жойига нисбатан унча талабчан эмас.


Испания қизили. Мевалари йирик, чўзиқ, хира-қизғиш тусда, ҳидли. Яхши ҳосил беради. Қуруқ тупроқли ерларда ҳам яхши ўсади.

Цареград номли қизил. Мевалари тўқ-қизил тусда. Кеч ҳосилга киради. Тупроққа нисбатан талабчан.

Кавказ қизили. Мевалари майда, оч-қизил тусда, данаги йирик, ҳидли, ҳосили яхши ва тупроққа нисбатан талабчан эмас.

Ноксимон қизил. Мевалари ноксимон чўзиқ, йирик, оч қизил тусда, ҳосили яхши.

Тадқиқот натижасида қизилнинг бир қанча форма ва навлари етиштирилди. Шулар ичида қимматли ва ҳозирги вақтда ўстирилаётган навлари қуйида келтирила-



Испания қизили (мевали шоҳи).

ди ва улардан кўпайтириш ҳамда селекциячилик ишлари учун фойдаланиш мумкин.

2-форма. Қизил тупи ёйилиб ўсади ва тухумсимон қуюқ шохли, баландлиги 5,5 метрга, саддасининг кенглиги эса 4,5 метрга боради, бачкилар ҳосил қилади, олтитагача асосий шохчаси бўлади. Пўстлоғи анча силлиқ, кўп қисми ёрилиб-ёрилиб кетади.

Мевалари дарахт пастиди ёйириқроқ, тепасида майдароқ бўлади. Кўриниши эллипссимон, икки учи бирмунча ичига ботган. Ранги қорача ва тўқ олича тусда.

Пўсти юнқа, қаттиқ. Эти оч қизил, зич, сувсиз, бирмунча қарсиллайди, бир текисда етилади. Данаги этидан

ажралмайди, майда, оч сарғиш. Меваларининг етилиши 15—20 кунга чўзилади ва 25—30 августда пишиб етилади. Шунингдек улар тезда қуриб қолади ва буришиб тўкилади. Шунинг учун қизил ҳосилини меваларининг пишишига қараб уч-тўрт маротаба териб олиш керак. Деярли ҳар йили мўл ҳосил беради. Бунда ҳар бир тупдан 65 килограммгача қизил меваси олинади. Тупроққа ва суғоришга нисбатан ноталабчан. Совуққа чидамли.

3-форма. Тупнинг пастки шохламаган ерга яқин қисмининг баландлиги 10 см, қалинлиги 75 см га етади.

Буталарнинг бўйи 4,5 метр, саддасининг шохланиши ўртача 5 метр келади.

Меваси ўртача катталиқда камдан-кам йирик, ўртача оғирлиги 3,35 г, юмалоқ учли, тухумсимон шаклда, деярли қорамтир, ғуборли хира тўқ қизил тусда. Пўсти юпқа, пишиқ. Эти хира қизил, бир хил тусда, сувли, ўртача қаттиқ, бир оз карсиллайди, бир текисда пишади, хуштаъм, нордон-ширин, сифати яхши. Данаги этидан ажралмайди, йирик, оч сарғиш. Ҳар йили бир тупи ўртача 60 кг ҳосил беради. Августнинг иккинчи декадасида бир вақтда пишмайди.

Суғоришга эҳтиёж сезмайди. Қасалликларга чалинмайди ва зараркунандалар кор қи-



№ 3-форма (тупи).

лолмайди, совуққа чидамли.

4-форма. Тупининг бўйи паст. Бўйи 10 см гача, йўғонлиги 15—20 см келади. Шох-шаббаси чўзиқ-тухумсимон, бир оз сершоҳ, баландлиги 6,4 метргача ва саддасининг шохланиши ўртача 4,5 метргача боради, олтитагача асосий шохи бор, бирмунча, эски шохлари кул ранг, икки йилликлари сарғиш-жигарранг, бир йиллик шохчалар эса оч қизил тусда бўлади. Пўстлоғи силлиқ ва кўп қисми ёрилиб-ёрилиб кетади.

Мева банди узун, ялағоч, оч-яшил тусда, тик ўсган бўлади. Пишган мевага ўртача туради. Мевалари майда, камдан-кам ўртача катталиқда (ўртача оғирлиги 2,63 г) бўлади, катта-кичиклиги ва шакли (узунлиги 1,6 см ва эни 1,3 см) жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилади, овал ёки деярли юмалоқ формада, фақат мева асоси худди бўйига ўхшаб бир оз ингичкалашган, учи эса ясси ва тўрт қиррали юлдузча каби ичига анча ботиб кирган, марказида кичкина тиканаги бор, жигарранг тусда. Пўсти юпқа юмшоқ, пишган меванинг пўсти этидан осон ажралади. Эти пушти, данагига яқинлашган сари оқариб боради. Сувли, юмшоқ, уруғли, бир текисда пишмайди, нордонроқ, сифати қаноатлантирарли даражада. Данаги этидан ярим ажралади, катталиги ўртача, лекин нисбатан йўғон, оч сарғиш тусда.



№ 4-форма (тупи).

Солкаш (йил оралатиб) ҳосил беради. Ҳар тупидан ўртача 30 кг дан ҳосил олинади. Меваси бир оз кечроқ, яъни сентябрнинг иккинчи декадасида пишади. Шунинг учун ҳосили етилганига қараб, икки марта териб олинади.

Испания қизили. Паст бўйли дарахт, беш-олтита асосий шох бўлади, шох-шаббаси шарсимон ва қуюқ навдали, баландлиги 5,5 метр, саддасининг кенглиги 6,1 метрга етади (2-расм).

Меваси жуда катта (ўртача оғирлиги 7,2 г), ҳажми 2,6Х1,8 см, қисқа бўйинли ноксимон шаклда, учи юмалоқ бўлиб, тўрт юлдузли шаклда, бир мунча ботиб кирган, марказида тикани бор. Хира жигар ранг тусдан деярли қора тусгача ўзгариб туради. Пўсти юпқа, қаттиқ, эти оч пушти, пўстига яқин ерларининг туси қуюқлаша боради ҳамда данагига яқинлашган сари эти оқара бошлайди, сувли, ўртача қаттиқ, бир оз карсиллайди, бир текисда пишади, таъми хуш ёқадиган нордон.

Данаги этидан ярим ажралади, йирик, оч сарғиш тусда, ҳосили ҳар хил миқдорда бўлади. Йил оралатиб яхши ҳосил беради.

Меваси шох-шаббаси орасида жойлашади ва яккам-дуккам бўлади. Сентябрьнинг иккинчи декадасидан октябрь ўрталаригача меваси пишади, уни пишиб етилишига қараб икки-уч марта териб олиш керак. У қизилнинг энг кечпишар формаларидан ҳисобланади.

ҚИЗИЛ МЕВАСИНИНГ ХИМИЯВИЙ ТАРКИБИ

Қизилнинг янги меваси таркибида (Церевитинов бўйича) 9 процентгача қанд, 1,5—2,9 процент олма кислотаси ва 0,6 процент ошловчи моддалар бор, бу эса меванинг кислоталилигини ва тахирлигини оширади. Қизил таркибидаги қанд мураккаб кўринишда учрайди. Унда глюкоза, фруктоза ва сахарозалар каби осон ҳазм бўлувчи бирикмалар йўқ. Лекин етарли миқдорда витамин С (35—68 мг) бўлиб, бу эса унинг цинга касаллигига қарши хусусиятини оширади. Қуйида қизилнинг химиявий таркиби келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда етиштирилган қизил формаларининг химиявий таркиби (процент ҳисобида, С. М. Раменицкий маълумотлари бўйича)

Формалар	Сув	Қанд	Кислота	Қанднинг кислототага нисбати
1	65,8	16,23	1,28	12,68
2	64,0	17,36	2,03	8,55
3	69,29	21,31	1,76	12,10
4	70,2	16,56	2,24	7,39
5	71,7	17,36	2,40	7,23
6	61,6	14,01	1,65	8,49
7	70,9	12,52	2,29	5,46
8	73,2	15,04	1,43	10,52
10	74,6	14,77	1,86	7,94
13	75,4	19,32	1,92	10,06
Ўртача	69,74	16,44	1,88	8,74

Бу жадвалдан қизилнинг маҳаллий формалари химиявий таркиби жиҳатидан бир-биридан катта фарқ қилиши кўриниб турибди.

Қанди кўп (21, 31%) формалари билан бирга бирмунча кислотали (2, 4%)лари ҳам учрайди. Бу хусусият эса уларни консерва тайёрлаш учун яроқли эканини кўрсатади 1; 2; 4; 5; 13-формалари бирмунча ширин. Қизилнинг 3-формаси таркибида 21;31 процент қанд бўлиш билан айниқса ажралиб туради. 2, ва 5-формаларида қанд миқдори ўртачадан юқори бўлса ҳам, улар кислотасининг кўплигидан қанди (15,04 процент) ва кислоталилиги (1,43 процент) ўртачадан паст бўлган 8-формасига қараганда таъми бемазароқ бўлади.

Ўзбекистон ва бошқа республикалардаги қизил меваси тўғрисидаги маълумотларни текшириб ва химиявий натижаларини таққослаб қуйидаги хулосага келиш мумкин.

1. Ўзбекистонда учрайдиган қизил мевалари таркибида сув миқдори анча кам. Шимолий Кавказда ўсадиган қизил меваси таркибида 85,73, Доғистондаги қизилда 82,98 процент сув бўлгани ҳолда Ўзбекистондаги қизил таркибида фақат 69,73 процент сув бор.

2. Ўзбекистондаги қизил меваси таркибида 16,44, Доғистондаги қизилда 9,21, Шимолий Кавказдаги қизилда эса фақат 6,88 процент қанд бор.

3. Республикамизда учрайдиган қизилнинг кислоталилиги Доғистондаги қизилникидан кам.

4. Қанднинг кислотага нисбати Ўзбекистондаги қизилда 8,74 га, Шимолий Кавказникида эса 3,93 га тенг.

Ўзбекистонда ўсадиган қизил меваси таркибидаги қанднинг кислота нисбати энг юқори, бу жиҳатдан бошқа форма меваларидан икки-уч марта устун келади. Юқоридагилардан равшанки, Кавказда ўсадиган қизил мевасини янгиллигида, унинг нордонлиги ва тахирлиги туфайли деярли еб бўлмайди. Ўзбекистонда ўсадиган қизилнинг меваси эса пишганида ёқимли, нордон-ширин таъмли бўлади.

Қизил меваси таркибида 0,67 процент, олчада 0,75 процент, тоғ олчада 0,38 процент пектин моддаси бор. Олча меваси таркибида пектин моддаси кўп бўлганлиги сабабли ундан яхши, тилла ранг, тиниқ дирилдоқ (желе) тайёрланади. Қизил меваси таркибида эса бу модда миқ-

дори 1,5—2,5 марта кўп бўлганлигидан юқоридаги хусусият бундан ҳам зиёд бўлади. Ундан ташқари қизилда қизартирувчи модда бўлиб, озиқ-овқат саноати маҳсулотларига қизил тус беришда фойдаланилади.

ҚИЗИЛНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Қизил мевалари қайта ишлаш учун, турли-туман маҳсулотларда фойдаланилади. Кавказда маҳаллий халқ қизилдан пастилага ўхшаш лаваш тайёрлайди. Лаваш тайёрлаш учун қизил мевалари сувда мутлақо юмшоқ ҳолатга келгунча қайнатилади. Мевалар бир мунча совитилиб суви силқиғач, элакдан ўтказилади, эти, пўсти ва данакларидан ажратилади, натижада бир хил хамирга ўхшаш қуюқ бўтқа олинади. Бу бўтқа тахтага юпқа қилиб сурилади ва офтобда қуриштилади. Шунда анча қаттиқ пастила парчалари ҳосил бўлади, бу яхши сақланади ва овқатга ишлатиш учун анча қулай.

Қизил мевалари кўплаб қуриштилади. Бунинг учун пишган қизил мевалари дастлаб сараланади ва ифлоси, барги, мева банди ҳамда ирик-чириклари олиб ташланади.

Қизил меваси данакли ҳолда ёки меваси юмшагач данаги олиб ташлаб қуриштилади.

Тайёр маҳсулот хом ашёнинг дастлабки оғирлигига нисбатан данага билан 25 процент ва данаксиз 18 процент чиқади.

Мевалар қуришиб олингач, сортларга ажратилади, бунда чирик ва қуримаганлари олиб ташланади, чунки булар қуруқ маҳсулотни асраш вақтида унинг сифатини бузади.

Қуритилган меваларни идишларга жойлаш ва жўнатишдан олдин беш-ўн кун давомида омборхонада сандук ёки яшиқларда сақлаб турилади. Шундай қилинса, мевалар бир хил намликда ва ўхшаш консистенцияда сақланади.

Қуритилган меваларнинг намлиги 16—18 процентдан ошмаслиги керак. Агарда намлик бу нормадан ортиқча бўлса, мевалар моғорлаши ва приши мумкин.

Қизил мевасидан мураббо (варенье) тайёрлаш кенг тарқалган.

Тайёрланган мураббо бошқа меваларникига қараганда ёқимли нордонлиги, таъми ва ўзига хос ҳиди билан энг яхши емишлардан бири ҳисобланади.

Қизил меваларидан бир неча усулда мураббо тайёрланади. Энг содда усули қуйидагичадир: мевалар яхшилаб ювилади ва улар ифлос, чириклардан тозаланади ва данага олиб ташланади, (агарда данаксиз мураббо тайёрланадиган бўлса). Шундай усулда тайёрланган меваларнинг бир қисми (ҳажмига қараб) 1,5 ҳисса қанд ва 1,5 ҳисса сув аралашмасига солиниб, паст алангада икки-уч марта қайнатиб олинади, бунда вақти-вақти билан тоғора чайқатилади ва аралашма юзасига чиққан кўпик олиб ташланади.

Заводда қизил меваларидан шарбат, маринад ва мураббо тайёрлашда тасдиқланган тайёрлаш технологияси кўрсатмасига амал қилинади. Бунда тайёр маҳсулотларни маълум стандартда чиқариш кўрсатилган.

Мураббо тайёрлаш учун янги, қуртламаган, эзилмаган, бир текисда пишган, лекин пишиб ўтиб кетмаган, қаттиқ ва этли мевалар олинади. Мевалар бўйиннинг узунлиги кўрсатмага мувофиқ 16 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон қизили меваларидан мураббо тайёрлаш мумкинлиги завод шароити (Янгийўл консерва заводи)да синаб кўрилган. Тайёрланган мураббо тўқ қизил тусда, сиропи тиниқ, қуюқ, ҳидлидир. Мевалари бутун, тўлиқ, эти яхши нордон-ширин таъмли.

Мураббога 5 балл системасида баҳо беришда қуйидагича натижалар олинди: форма № 3 ва № 13 энг юқори—4 — 5 балл, форма №4, 2, 5, 8 ва испания номли нав 4,3 — 4 балл, форма № 1 ва № 10 3, 3 балл олган.

Шундай қилиб, биз Ўзбекистонда етиштирилган қизилнинг формаларидан юқори сифатли мураббо тайёрлаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Тайёрланган мураббо эса сифат жиҳатидан Кавказ ва Қримда ўсган қизилнинг энг яхши намуналаридан тайёрланган мурабболардан қолишмайди.

Мураббодан ташқари қизил меваларидан дирилдоқ ва мармелад тайёрланади.

Қизил мевасидан нордон-ширин таъмли, ўзига хос ҳидли ва чиройли қизил тусли шарбат олиш мумкин. Бу шарбат бошқа мева шарбатлари ҳамда маринад тайёрлаш учун яхши маҳсулот ҳисобланади.

Маринад. Данагидан тозаланган ёки бутун меваларга туз сепилади ва бир сутка қолдирилади. Сўнгра устига сирканинг кучсиз эритмаси қўйилади ва яна 10—14 кун қолдирилади. Шундан кейин эритма тўкиб ташланади ва меваларни банкаларга жойлаштириб, устига ҳар хил зираворлар билан қайнатилган сирка қўшилади. Сирка сиропи тайёрлашда унга қанд қиёми ёки асал қўшилади ва турли хил зиравор солиб хушхўр қилинади.

Ўзум сиркаси маринад учун энг яхши ҳисобланади. Тайёр бўлган маринадларни шиша идишларга солиш керак. Қизил меваларини қуритишдан ташқари, ундан лаваш тайёрланади. Мураббо қайнатилади, дирилдоқ ва мармелад, шарбат тайёрланади. Бундан ташқари қизил мевасидан пюре, павидло, пастила, кисель, компот ва зиравор тайёрланади.

ҚИЗИЛНИНГ АГРОТЕХНИКАСИ

Экиладиган материални кўпайтириш. Қизил уруғидан, қаламчасидан, пархешлаб ва илдиз бачкиларидан кўпайтирилади. Пайвандтаг сифатида ёввойи қизилнинг кўчатларидан фойдаланилади, мевалар териб олингандан кейин унинг данаклари стратификацияланади яъни нам қумга қориштирилиб баҳоргача сақланади.

Табиий шароитда қизилнинг уруғлари узоқ стратификация муддатини ўтайди ва уруғлар экилгандан кейин иккинчи-учинчи йили униб чиқади, шунинг учун боғбонлар мазкур ўсимликни кўпайтиришга унча эътибор бермайдилар.

ЎзССР Фанлар Академиясининг Ботаника боғи қизил уруғининг унувчанлигини тезлаштирувчи осон йўлини ишлаб чиқди: стратификацияланган данаклар экилишидан олдин уч кун мобайнида 2 процентли сульфат кислотада сақланади. Бундай усулда ишлов берилган уруғлар экилганидан беш-олти ой ўтгач униб чиқади. Кислотада сақланиб, кейин экилган уруғлардан 45—65 процент майса унади.

Стратификацияланмаган уруғларни от гўнги солинган парник ерларига экилса яхши натижа беради. Февраль ойида экилган қизил уруғлари май ойи охирида ялпи униб чиқади, бунда майсалар экилган уруғларнинг 80 процентчасини ташкил этади. Униб чиққан ўсимталар қаторларга экиб чиқилади.

Қизилни илдиз бачкилари ёрдамида кўпайтириш яхши натижа беради, бундай илдизлар бута формаларида ҳамма вақт кўп бўлади.

Маданий сортларни пархешлаб кўпайтириш анча ишончли. Шу мақсадда қизилнинг ёш туллари қаторларга 1,5 метр оралатиб экилади. Иккинчи йили туллар тупроқ юзаси билан тенглаштириб қирқиб ташланади. Қирқиб ташланган поядан жуда кўп шохчалар ўсиб чиқади. Баҳоргача, яъни барглар пайдо бўлгунча новдалар 10—15 см қалинликда тупроққа кўмиб қўйилади. Новдаларда каллюс (думбоқча) ҳосил бўлиши учун улар бир-иккита еридан кесилади.

Новдаларнинг учи қозикчага боғлаб қўйилади. Кузда пархешлаб она ўсимлик танасидан ажратиб олинади ва боғда ажратилган махсус жойга экиб қўйилади.

Қаламчалардан кўпайтириш. Кузда, ўсиш муддати тугаганидан кейин бир йиллик новдалар асосидан қирқиб олиниб, уларни ҳалқачалар шаклида кесилади ва улардан қаламчалар олинади. Қаламчалар қишда қумга кўмиб қўйилади ва совуқ бошланиши билан совуқ урмаслиги учун сомон, барг ёки бошқа материаллар билан ёпилади. Баҳорга чиқиб уларда каллюслар (дўмбоқча) ҳосил бўлади, питомникларга экилган худди шундай қаламчалар тезда илдиз олади.

ҚИЗИЛЗОР БАРПО ҚИЛИШ УЧУН ЖОЙ ТАНЛАШ

Қизил нессиқсевар ўсимликлардан, шунинг учун қизил кўчатларини экиш учун очиқ жой танлаш керак. Қизил кўп йиллик ўсимлик бўлгани учун уни баъзи мевачилик мутахассислари таклиф этганидек, оралиқ ўсимлик сифатида экиш мутлақо тўғри келмайди. Қизилни экиш учун мевали дарахтзорлар чегарасидаги жанубий ёнбагирларни танлаш маъқул.

Қизил меҳнатталаб эмас, шу сабабли ундан бошқа ўрмон дарахтлари билан биргаликда шамолдан ҳимоя қилувчи ва иҳотазорлар ташкил этишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тупроқ. Қизил талабчан ўсимлик эмас, шу сабабли шўрхок бўлмаган ҳар қандай ерда ўсиши мумкин. Лекин, бу ўсимликнинг илдиз системаси ерга чуқур кириб бориши туфайли ер ости сувлари ер юзасига яқин (1,5—2 м) ерларда ўстириш мақсадга мувофиқ эмас.

ҚИЗИЛ

Оам. СХИ

г.р. Самарканд

Қизилнинг яхши ўсиши ва юқори ҳосил бериши учун ўсимлик экилган ер озиқ моддаларига бой, нисбатан структурали, яхши ҳайдаладиган ва ер ости сувлари анча чуқурга кетган бўлиши лозим. Қизил шўр тупроқли ерни ёқтирмайди, бундай жой тупроғида қурғоқчилик оша боради, ўсиши секинлашади ва кам ҳосил беради.

Шағал қатлами ер юзасига 40 см яқин турмаган ерларда ҳам қизилзорлар ҳосил қилиш мумкин.

Навларни танлаш. Саноат миқёсидаги қизилзорлар барпо этишда шундай навлар танлаш керакки, бу қизил навларидан меваларнинг етилиш даврларига қараб, мевалари бутун мавсум давомида териб олиниб туриладиган бўлсин. Масалан, қизил навлари бевосита ўз-ўзидан ҳосил беради, бунда дарахтларни мевасининг пишиш муддатига қаттиқ риоя қилган ҳолда беш-олти қатор қилиб экиш мақсадга мувофиқдир. Навларни ана шундай жойлаштириш кейинчалик ҳосилни йиғиштиришни енгилаштиради ва табақаларга ажратилган агротехникани жорий этишга имкон беради.

Ерни тайёрлаш. Боғ ташкил этиш учун ажратилган участка Д-158 грейдер билан текисланади, сўнггра плуг билан ҳайдалади. Тупроқ тигиз ҳолга келгач, участка ПР-5 текислагич билан қайтадан текисланади, айни пайтда ер бороналаанади ва мола босилади.

Экиш муддати. Куз ва эрта баҳор Ўзбекистоннинг кўпгина районлари учун қизил экишга энг яхши муддат ҳисобланади. Ҳамма нарса сувнинг бўлишига боғлиқ.

Агар сув бўлса, кузда эккан маъқул. Кузда экишни дарахтлар барги тўкилаётган пайт, яъни октябрнинг учинчи декадаси—ноябрнинг бошида бошлаш керак. Баҳорда қизилни қанча эрта экилса, шунча яхши (чунки қизил февралдан ўса бошлайди) бўлади. Экишни кўчатлар уйғонмай туриб тугатиш керак. Ернинг ҳосилдорлигига ва ўсимлик навига қараб 5Х6 ёки 6Х8 м схемасида ёки 333—280 кўчат экилади. Қизилнинг пирамидасимон формаси 4,5 ва 5 м схемасида ёки 1 га 493—400 кўчат экилади.

Кўчатларни парвариш қилиш. Баҳорда ва кузда поя атрофидаги ер чуқур чопилади. Ёз давомида юза чопиқ қилиб, бегона ўтлардан тозалаш зарур. Суғориш эгатчалари ҳар бир сув беришдан кейин юмшатилади. Боғ қатор ораларидаги ер ҳайдалмайди. Кўчатларни парва-

ришлаш осон. Кесиш вақтида фақат қуриган ва синган шохлар олиб ташланади.

Қизилнинг бута формалари экилганда ернинг ҳосилдорлигига қараб олти-саккизта новда қолдириш керак. Қолган новдалар қирқиб ташланиб, пархеш қилиш ва қаламча қилиб экиш учун фойдаланилади.

Қизилни тик ўстириш ҳам мумкин, лекин бундай ўстириш учун кўп вақт талаб этилади ва шунинг учун бута-бута қилиб ўстириш маъқул, бу эса қизилнинг табиий шаклини ҳам сақлаб қолади.

Ҳамма қизилзорлардаги ўсимликлар бута кўринишида бўлиб, ер шароитига боғлиқ ҳолда уларни бир мунча яғаналаб туриш зарур. Бунда бақувват, яхши ўсган тупларда уч-бештадан, ўртача ривожланган тупларда эса асосий поялар қолдирилади.

Ҳамма қуруқ шохлар қирқиб ташланади. Қизилзорларда дарахтлар кўпайиб, бир-бирини соялатиб қўйса, ўраб турган дарахтларни қирқиб ташлаш зарур. Поя атрофи чопиқ қилинади ва кейинчалик ер юмшоқ ҳолатда сақланади. Кам ҳосилли ерларда ҳар бир мева берадиган қизилга 80 кг ўғит, 0,5 кг аммиак селитраси, 0,5 кг суперфосфат ҳисобидан минерал ўғитлар солинади.

Органик-минерал ўғит аралашмаси эрта баҳорда — апрель, май ойларида поядан 80—100 см узоқлатиб, атрофига 15—20 см чуқурликда солиниб ер чопиқ қилинади.

Ўзлуксиз суғориб турилади, бунда тупроқнинг қуриб қолишига ва ҳаддан зиёд намланишига йўл қўймаслик керак.

Ҳосилга кирган боғларда катта ёшдаги қизилнинг ўсиш даврида беш-олти марта сув бериш ва ҳар бир суғоришдан кейин ер чопиқ қилиниши керак.

Ҳосилни териб олиш. Қизилдан юқори ҳосил олишда меваларни маълум муддатда териб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳосилнинг ишлатилишига қараб меваларни териш муддати белгиланиши, яъни мевалар янгилигида ейилиши ёки қайта ишловчи саноатларга жўнатилишини ҳисобга олиш керак.

Янгилигида ейиладиган мевалар яхши пишган вақтда, яъни уларда қанд, кислота оптимал миқдорда тўпланганда, ширин ҳамда қизил ўзига хос тусга кирганда териш керак. Қайта ишлашга кетадиган мевалар жуда

яхши пишиб етилмасдан териб олиниси, лекин улар пишган меваларга хос характерли таъмга эга бўлиши керак. Бу вақтда мева банди мевадан осон ажралади ва пишган мева кўкига нисбатан бир мунча юмшоқ бўлади.

Мевалар етарли даражада пишганда уларни териш муддати кўпчилик форма ва навлар бир хил муддатда пишмаслигини ҳисобга олиб белгиланади. Одатда шохшаббанинг юқори қисмидаги мевалар эрта пишади, ўртадагиси кейинроқ ва ниҳоят тупнинг қуйи қисмидагилари эса энг сўнгида пишиб етилади. Шу сабабли бир дарахтдаги пишган мевалар бир неча марта териб олинади, бу эса ҳосилдан рационал фойдаланиш имкониятини беради. Теримчиларда боғ нарвони ва 5—8 кг мева сиғадиган саватлар бўлиши керак. Мевалар шикастланмаслиги учун саватлар деворига икки-уч қават қоғоз қўйиш ёки материал тикиш зарур. Бундан ташқари теримчида саватларни нарвонга осиб қўйиш учун темир илгак ва мевали шохларни тортиб олишда ишлатиладиган ёғоч илмоқ бўлиши керак, бу шох ва меваларни шикастланишдан сақлайди.

Терим вақтида саватларга касал, чириган ва қуриган (буришган) меваларни солмаслик керак. Бундан ташқари пишиб ўтиб кетганларини ҳам солмаслик керак, акс ҳолда у чириб, нордонлашади ва яхши маҳсулотларни бузади. Энг яхшиси, бундай меваларни алоҳида саватчаларга солиб, меваларни териб бўлгач, уни тезда қиём ёки повидлога ишлатиш керак. Меваларга тўлган саватларни офтобда қолдирмай, уни тезда омборхонага жўнатиш керак. Меваларнинг эрталаб ва кечқурун териб олингани яхши, чунки қуёшли иссиқ кунда мевалар қизиб кетади ва бузила бошлайди.

Меваларни териб олиш анча қийин. Бир одамнинг бир кунда терган меваси ҳосил даражасига ва дарахтнинг катта кичиклигига боғлиқ. Яхши ҳосил бўлганда, яъни бир туп 60—80 кг ўртасида мева тўкканида, бир одам бир дарахтдан 40 кг гача тахлаб қизил териши мумкин. Ҳосил кам бўлганда эса бир кунлик норма 10—15 кг гача тушиши мумкин.

Меваларни саралаш ва жойлаш. Агарда мевалар дарахтдан тўғри териб олинса, яъни пишган, соғлом ва бутун бўлса, у ҳолда жойлашдан олдин сараланмайди ва у яхши сақланади. Қизил мевалари белгиланган жойга терилган саватларнинг ўзида жўнатилади.

Бу саватлар устига материал қопланиб тикилади ва этикетка ёзилади. Қримда қизил меваларини жўнатиш учун 8 кг ҳажмдаги чўзиқ саватлардан фойдаланилади.

Қизилни решёткаларда ҳам жўнатиш мумкин. Бунинг учун мевалар саватдан решёткага эҳтиётлик билан ағдарилади. ва унинг устига материал қопланиб, тикилади ва ўраб бойланади. Бундай идишларга ҳар эҳтимолга қарши тагига қоғоз ёйиб, мевалар тўғридан-тўғри солинади, мевалар яшиқларга солингач, у яхши жойланиши учун секин-аста силкитилади. Яшиқдаги мева устига қоғоз ёпилиб қопқон бекитилади. Мева жойланган яшиқларга сорт номи, мевалар ҳажми, соф оғирлиги, жўнатувчининг фамилияси, стандарт номери ва мева узилган муддати кўрсатилган этикетка ёпиштирилади.

Меваларни жўнатиш қоидалари. Қизил мевалари чидамсиз. Улар тезда қизиб кетади ва бузилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам терилган меваларни 24 соатдан оширмай вагонларга ортиш керак. Унга қадар мевалар муздек складларда сақланиши лозим.

Жўнатиладиган мевалар қаттиқлигида, роса пишган даврида териб олинishi керак.

Қизил меваларини яқин масофага (1—2 суткагача) мослаштирилган, шамоллатиб туриладиган вагонларда, узоқ масофаларга эса вагон-музхоналарда жўнатиш зарур.

Қизил касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш. Қизил дарахти сийрак касалланади ва зарарланади. Қизил касалликларидан занг касаллиги (фундоспорум маварнеформа) маълум.

Қизил бу касаллик билан зарарланганда дарахт пўстлоғида ва баргида сарғиш доғлар пайдо бўлади. *Кураш чоралари:* баҳорда бордос суюқлиги пуркаш керак.

Зараркунандалардан *шилликқурт қуртлари* (коккур инохеформис) новдаларни, куртакларни, барглари зарарлайди. *Кураш чоралари:* баҳорда тупларга керосинли эмульсия, тамакининг қайнатма суви пуркалади. Кеч кузда мева тупига оҳак суви пуркалади ва оқланади.

Ранг-баранг капалак (Ванисса полехлорус) қуртлари барглари ейди, ёш новдаларни зарарлайди. *Кураш чоралари:* Бордос суюқлиги пуркалади. Бундан ташқари қизилиштон, қораялоқ, қорашақшақ каби қушлар ҳам қизил мевасини хуш кўриб ейди.

СССРда, жумладан Ўзбекистонда ҳам консерва тайёрлаш саноати жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги туфайли заводларни хом ашё билан фақат миқдор жиҳатидангина таъминлаш эмас, балки унинг ассортиментини ҳам кенгайтириш масаласи муҳим аҳамиятга эгадир. Қизилнинг саноат хом ашёси сифатида муҳим эканлигини эътиборга олиб, бу ўсимлик майдонларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ ва ўрмон хўжаликлари, боғбонлар ва бошқа алоҳида ташкилотлар олдида турган ҳалдаги вазифа бўлмоғи керак.

Қизилни ишлаб чиқаришга жорий этилар экан, Қрим ва Кавказдаги мавжуд энг яхши қизил навлари ресурсларидан рационал фойдаланиш яхши самара бериши мумкин.

Бу навларни Ўзбекистонга келтиришдан мақсад кейинчалик селекциячилик йўли билан маҳаллий шароитга мослашган, янги юқори ҳосилли навлар етиштиришдан иборат бўлмоғи керак.

МУНДАРИЖА

Қизил тўғрисида умумий маълумот	4
Қизил тўғрисида ботаник маълумотлар	4
Қизилнинг биологик хусусияти	5
Қизилнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти	6
Ўзбекистонда қизил ўсимлиги	7
Қизилнинг навлари	8
Қизил мевасининг химиявий таркиби	12
Қизилни истеъмол қилиш ва қайта ишлаш технологияси	14
Қизилнинг агротехникаси	16
Қизилзор барпо қилиш учун жой танлаш	17

На узбекском языке

Антон Дылевский

РАСТЕНИЕ КИЗИЛ

Издательство «Узбекистан»—1974—Ташкент

Отпечатано в типографии издательства ЦК КП Узбекистана
Ташкент «Правда Востока», 26,

Таржимон Ҳ. Гуломов

Редактор Н. Возорбоев

Тех. редактор С. Собирова

Корректор З. Зокирова.

Теришга берилди 5/VI-1974 й. Босишга рухсат этилди 20/VIII-1974 й.
Формати $84 \times 108 \frac{1}{2}$. № 2. Босма листи 0,75. Шартли бос. л. 1,26. Нашр
листи 1,2. Тиражи 9017. Р-11331. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент,
Навойй, 30. Шартнома № 386—73.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси,
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. Заказ № 864. Баҳоси 4 т.